

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY HUKUMATI



# XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

17 (123)-сон, 2006 йил 27 апрель

www.21asr.com

**3 СИЁСАТ**  
 Партиялар қудрати, албатта улар олиб бораётган фаолиятга боғлиқ

**4 ИҚТИСОД**  
 «Ишонч» фермер хўжалигининг соф фойдаси 12 млн. сўмдан ошди

**9 ХАЛҚАРО ҲАЁТ**  
 АҚШ ҳамон қош қўман деб кўз чиқаришда давом этмоқда

Мамлакатимиз энгил саноати тизимида "TOSHKENT TO'UTERA TEKSTIL" корхонасининг ўз ўрни бор. Пойтахт вилоятида жойлашган ушбу корхонада бозор талаблари асосида иш юритилиб, юқори натижаларга эришилмоқда. Йилга 30-32 минг тонна ип калава ҳамда 20 миллион погон метр суруп ишлаб чиқарилаётганлиги фикримиз исботидир. Мавжуд цехлар хориж технологиялари билан жиҳозланган. Корхонада 3700 киши меҳнат қилади. Тўқимачилик маҳсулотлари асосан Европа ва Ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Йиллик пул айланмаси 50 миллион долларни ташкил этади.



## Азалий дўст ва яқин ҳамкор

Ўзбекистон билан яқин дўст, ишончли ҳамкор бўлиб келган мамлакатлар талайгина. Уларнинг айримлари жўғрофий, айримлари миллий-маданий яқинлик туфайли, яна бирлари муштарак тақдир боис Ўзбекистонни ўзига яқин дўст ва ҳамкор санайди.

Ҳиндистон бизга тарихан ва маънан боғланган. Бу мамлакат цивилизация бешикларидан бири бўлганини, унинг қадимий фалсафаси ва бой маданиятини дунё эътироф этган. Шу билан бирга, Ҳиндистон улуг бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари ҳукмронлик қилган пайтларда ўзининг олтин даврини бошдан кечирганини ҳам барча яхши билади. Бу сулола ҳали-ҳануз ҳинд халқининг ардоғида, Бобурийлар мероси эса Ҳиндистоннинг фахру ифтихори.

реш масалаларига эътибор қаратилди. Томонлар ушбу мавзу муҳокамаи чоғида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Ислоҳ Каримов ва Манмоҳан Сингх террорчиликка қарши кураш бўйича қўшма ишчи гуруҳи фаолияти тақомиллашиб бораётганини қайд этдилар. Бу гуруҳ ўтган йил охирида Дехлида мажлис ўтказган эди. Яқин кунларда Тошкентда унинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш режалаштирилган.

Афғонистондаги вазият ҳам муҳокама қилинди. Ушбу мамлакатда барқарор тинчлик ўрнатилишидан икки томон ҳам бирдай манфаатдор. Зеро, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида Эрон транспорт коммуникацияларидан фойдаланган ҳолда Афғонистон ҳудуди орқали қулай ва арзон савдо йўли ишга тушса, бу улкан минтақалар ва катта бозорлар ўртасидаги алоқаларни кучайтиради.

Ўзбекистон Президенти ва Ҳиндистон Бош вазири иштирокидаги икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳоли таҳлил этилди. Томонлар аввалги саммитларда, жумладан, Ислоҳ Каримовнинг 2005 йил апрель ойидаги Ҳиндистонга давлат ташрифи чоғида имзоланган келишувларни ҳаётга татбиқ этишининг боришини кўриб чиқиб, бу ҳужжатларда белгиланган мақсадларга эришининг муайян чоратadbирлари юзасидан фикр алмашдилар.

Айни пайтда савдо ва сармосоҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Жумладан, тоғкон, нефть-газ, энергетика, тўқимачилик ва ипакчилик саноатида, қишлоқ хўжалиги ва юқори технологиялар соҳасида сармосоҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга икки давлатда ҳам иштиёқ кучлигидан далолат беришини қайд этди.

Ҳиндистон Бош вазири Ўзбекистонга тақлиф этгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, ушбу ташриф ўзаро муносабатларни янги bosқичга кўтаришига ишонч билдирди. Суҳбат чоғида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар, хусусан, террорчилик ва экстремизмга қарши ку-

Давоми 2-саҳифада.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА мухбири

## Муҳокамада мафкура соҳасидаги долзарб вазифалар

Юртбошимизнинг "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чоратadbирлар дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ O'ZLiDeP махсус тadbирлар режасини ишлаб чиқди. Унга мувофиқ жойларда партия тузилмалари мамлакатимизга қарши қаратилган гоъвий-ахборот хуружларининг моҳиятини атрофлича очиб бериш ҳамда юртдошларимиз, аввало, ёшларимизда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилган туркум тadbирлар ўтказилмоқда.

Сайёра ТУРҒУНБОЕВА, Фаррух АҚРАМОВ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ташкил этилган ўқув-услубий семинар ана шулар жумласидандир. Анжуманда партия фаол-

лари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси сингари нуфузли идораларнинг вакиллари, O'ZLiDePнинг ҳудудий тузилмалари, шунингдек, партиянинг вилоят кенгашлари ҳузурда фаолият юритаётган сиёсий таълим марказлари раҳбарлари фаол иштирок этдилар.

Тadbирда аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш, шунингдек, глобаллашув шароитида мустақиллик, тинч-

лик ва барқарорликни асраш, турли бўҳтон ва уйдирмалар ортидаги кучларнинг кирдикорларини фoш этишда партия ҳудудий ташкилотларининг фаоллигини кучайтириш каби муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Айтиш жоизки, партия ўз фаолиятининг илк давриданок нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, семинарда сўзга чиққанлар партиянинг бу борадаги нуқтани назарини баён этган ҳолда жамиятда кучли нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бўлиши аҳолининг ижтимоий фаолигини оширишга, жамият аъзоларида демократик дунёқарашни, сиёсий маданият ва муста-

қил фикрлашни шакллантиришга хизмат қилиши ва шу йўл билан мамлакатни модернизациялаш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштириш борасида белгилаб олинган кенг миқёсдаги умуммиллий вазифаларни амалга оширишда ўзига хос ўрин тутишини таъкидладилар. Шунингдек, айнан шу йўналишда мақсадлар муштараклиги O'ZLiDePнинг кўпгина ННТлар билан яқин алоқаларни йўлга қўйишига, қолаверса, уларнинг Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциациясига бириктириш истагини кўллаб-қувватлашга асос бўлгани тилга олинди.

Давоми 2-саҳифада.

### Узоқ ва яқин хорижда

**Япония**  
 Японларнинг кўпчилиги Дзюньитиро Коидзуми мамлакат бош вазири лавозимида бўлган беш йил мобайнида турмуш даражаси пасайиб кетганини таъкидлапти. 22-23 апрель кунлари «Асахи» газетаси томонидан телефон орқали ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатди. 42 фоиз респондент «яшаш қийин бўлиб қолди» деб ҳисобласа, 18 фоизи «ҳаёт яхшиланди» деган фикрда. Бинобарин, турмуш кўрсаткичлари пасайгани учун кўпчилик айнан ҳозирги бош вазири айблаган, ижобий ўзгаришларни эса унинг хисобига киритмаган. Сўроғга жалб қилинганларнинг аксарияти шу йил сентябрь ойида Дзюньитиро Коидзуми мансабидан кетганидан кейин Япониянинг бош вазири сифатида вазирлар маҳкамасининг ҳозирги бош котиби Синдзо Абэни кўрмоқда. Жавоб кайтарганларнинг 45 фоизи вазирлар маҳкамасининг собиқ бош котиби Ясуо Фукудага, 4 фоизи ташки ишлар вазири Таро Асога ва 3 фоизи молия вазири Садакадзу Танигакига устунлик беришган. Таҳлилчилар аҳоли ўртасида, аввало, ёшлар орасида Абэнинг машҳурлиги барқарор бўлиб турганлигини таъкидлашмоқда. У ўзининг Америкага мўйил кайфиятлари ҳамда Шимолий Кореяга нисбатан каттик сиёсат юритиш позициясида турганлиги билан танилган.

### Буюк Британия

Британия ички ишлар вазири Чарльз Кларк хорижий махбуслар билан боғлиқ можаро туфайли истеъфога чиқмаслигини маълум қилди. Аниқланишча, 1999 йил февралдан 2006 йил мартгача бўлган муддат мобайнида Британия турмаларидан 1023 та хорижий махбус чиқариб юборилган. Бинобарин, уларни ватанларига қайтариш имкониятлари кўриб чиқилмаган. Кларкнинг сўзларига қараганда, озод қилинган махбуслардан кўпчилиги ҳозирги вақтда қаерда юрганлини у билмас экан. Либерал-демократик партия вакиллари Кларкни ношудликда айбладилар. Консерваторлар эса у парламент аъзолари олдидан жавоб беришини талаб қилмоқдалар. Бугунги кунгача маъмурлар 107 нафар собиқ махбусни қидириб топдилар. Улардан 20 таси мамлакатдан чиқариб юборилган экан. Ички ишлар вазирилик томонидан йўл қўйилган хато ўтган йил октябрь ойида хорижий махбусларга доир ишни кўриш пайтидагина маълум бўлиб қолди. Ички ишлар вазири ушбу масала юзасидан парламентда кеча сўзга чиқиши кўтилаётган эди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 25 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия хисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқа ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:	1 Австралия доллари 909,72	1 Миср фунти 15,80	1 Польша злотийси 389,39	10 Жанубий Корея вонни 12,97
	2179,50	1 Исландия кронаси 15,80	1775,88	10 Япония иенаси 105,44
	202,10	1 Канада доллари 1073,83	922,51	1 Россия рубли 44,37
	332,44	1 Хитой юани 152,34	958,58	1 Украина гривнаси 241,77
	1220,94	1 Малайзия ринггити 334,23	1507,25	
		1 СДР 1		
		1 Туркия лираси 1		
		1 Швейцария франки 1		
		1 ЕВРО 1		

















**КИМКИ ёвузлик устига ёвузликни қалаштираверса, кўркуви ҳам шу қадар ошаверади**

**ХАЛҚАРО ҲАЁТ**

ИРОҚ

**Демократия экспорти ўзини оқламаяпти**

Бундан уч йил аввал Жорж Буш Ироққа қарши бошланган урушни оқларкан, “Саддам Хусайнни тахтдан ағдариш — террорчиликка қарши курашнинг энг муҳим ютуғи. Ироқни демократлаштириш вақт ва куч талаб қилади, лекин бу ўзини оқлайди”, деган эди. Америка бошчилигидаги халқаро коалиция кучлари Ироқ ҳудудига кирганларидан бери Пентагоннинг фақатгина ушбу мамлакатдаги ҳарбий ҳаракатлар учун сарфланган харажатлари ўнларча миллиард доллардан ошиб кетди. Уруш юз мингдан ортқ кишининг ёстигини қуритди. Тинимсиз давом этаётган исёнчилик ва уни бостиришга қаратилган уринишлар эса мамлакат келажагини мавҳум қилиб қўйди. Лекин Вашингтон ваъда қилган “озод ва демократик Ироқ”дан ҳамон дарак йўқ.

КУЗАТУВЧИЛАРНИНГ ФИКРИЧА, БОШҚА

ГЕОСТРАТЕГИК МАҚСАДЛАР БИЛАН БИРГА АМЕРИКА ИРОҚДА БУТУН ИСЛОМ ДУНЁСИ УЧУН МИСОЛ БўЛА ОЛАДИГАН “НАМУНАВИЙ ДЕМОКРАТИЯ МОДЕЛИ”НИ ШАКЛЛАНТИРМОҚЧИ ЭДИ.

ЛЕКИН ҲАЁТНИНГ ўЗИ МАЪЛУМ ТАРИХИЙ БОСҚИЧНИ БОСИБ ўТМАСДАН, ўЗГАЧА АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАР БИЛАН, ҚОЛАВЕРСА, МАМЛАКАТДАГИ ЗИДДИЯТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТМАСДАН ТУРИБ ДЕМОКРАТИЯНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИБ БўЛМАСЛИГИНИ ИСБОТЛАДИ.

Шерзод ЭРАЛИЕВ

Шу билан бирга Ироқ уруши қатор хулоса ва сабоқлар чиқаришга имкон беради. Аввало, минтақадаги геостратегик вазият ўзгаришига эътиборни қаратайлик. Ироқ уруши ушбу мамлакатда суннийларнинг анъанавий устуңлигига қаттиқ зарба берди. Маълумки, суннийлик оқими-га мансуб Саддам Хусайн мамлакатда ушбу мазҳаб устуңлигини тиклаган эди. Энди эса етакчи позицияларни сон жиҳатидан кўпчиликти ташкил этган шиалар эгаллаб олаяпти. Бу эса, сўзсиз, Эроннинг шиалар оламидаги таъсирини янада ортттиради. Техроннинг ядровий дастурига тиш-тирноғи билан қарши бўлган АҚШ учун бу йўл маъбул эмас.

Утган ҳафтада шиалар вакили Жавод ал Маликийнинг Ироқ бош вазири этиб тасдиқланиши мамлакатда барқарорлик томон ташланган муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда. Тўғрироғи — унинг бу лавозимни эгаллаши учун суннийлар, қурдлар ва либерал фикрдаги бошқа доираларнинг розилиги олинди. Маълумки, аввалги ҳукумат шакллантирилган вақтда президент Жалол Талабоний шиалар вакили Иброҳим ал Жаъфарини номзодини кўрсатганида, суннийлар ва қурдлар қаттиқ норозилик билдиришганди.

Айрим кузатувчилар бош вазири лавозимни қайси гуруҳ вакилига берилиши борасида тўрт ой давом этган сиёсий инқироз сўнггида қабул қилинган бу қарор Ироқни фуқаролар уруши ёқасига келтириб қўйган мазҳаблараро низоларга барҳам беради, дея умид қилмоқдалар. Бирок мамлакатда коалиция ҳарбийлариға қарши давом этаётган партизанлик уруши ва мусулмонлар ўртасидаги мазҳаблараро кураш нафақат Ироқ, балки бутун Яқин Шарқдаги танг вазиятти янада чигаллаштирди, деган қарашлар ҳам бор.

Шиалар ва суннийлар ўртасидаги зиддият тобора чуқурлашиб бормоқда. Бу ҳолат осонлик билан Ироқда фуқаролар урушини келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. Кимдир мазҳаблараро зиддиятда “Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил” тамойилига асосланган сиёсат олиб борувчи Амери-

канинг қўли бор, дейиши ҳам мумкин. Бу гапда жон бериб балки. Чунки Ироқ учга бўлинса, Америка ҳарбийлариға қарши қаратилган ҳужумлар сони камади.

Едингизда бўлса, америкаликлар 2004 йил 28 июнда Ироқни озод ва эркин давлат, деб эълон қилдилар. Вашингтон Саддам Хусайн даврида суннийлар қўлида бўлган ҳокимият тизгинларини қайта шакллантиришни шиаларға ишониб топширди. Лекин шиалар секин-асталик билан Ироқдаги бошқарув органларини дин таллаблари асосида ташкил эта бошладилар. Биргина мисол: 2003 йилда Нажаф шаҳрининг бош судьяси этиб аёл киши тайинланганида шиа уламолари бунга қаттиқ қаршилик кўрсатиб, қарорнинг бекор қилинишиға эришишганди. Шу пайтгача бундай ҳолатлар Ироқнинг жуда кўп шаҳарларида такрорланди. Аввалги пайтларда қатор ҳуқуқларға эга бўлган аёллар ҳозир ҳатто сайлов жараёнларидан ҳам четлатилган. Ироқликларнинг Саддам Хусайн даврида кўпроқ ҳуқуқ ва эркинликларға эга бўлганликларини америкаликларнинг ўзлари ҳам тан олишмаяпти. Айнан америкаликлар томонидан танлаб олинган Ироқ бошқарув кенгаши ёпиқ эшиклар ортида оила тўғрисидаги мавжуд қонуларни бекор этиб, шариат аҳкомини фуқаролик қонуларидан устун қўювчи 137-резолуцияни қабул қилган.

2005 йил 15 октябрда референдум натижасида ироқликлар янги конституция қабул қилишлари билан мамлакатдаги янги тартиб буткул шаклланиб бўлди. Конституциянинг асосий моҳияти шундан иборатки, ислом арконлариға зид келадиган ҳеч қандай қонун қабул қилинмади.

Мамлакатдаги иқтисодий ҳаёт ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Гарчи аввалги миқёсда бўлмасам-да, нефть қазиб чиқариш тикланган. Умуман олганда, Ироққа қарши операцияларда коалиция кучлари нефть конлариға зарар etkazмасликка ҳаракат қилган. Бағдодда Саддам Хусайн ҳайкаллари ағдарилганидан сўнг, нефть конлари Америка ҳукумати назорати остиға ўтди. Қазилган ишларини давом эттириш ҳуқуқи эркин тендер асосида голиб



чиққан компанияларға берилади, деб эълон қилинишиға қарамай, уларда асосан АҚШ компаниялари голиб чиқди. Лекин “қора олтин”дан келаятган даромадлар ироқликлар фаровонлигини тиклаш учун ишлатилапти, дейиш қўйин. Аҳоли ачинарлик тарзда ҳаёт кечирапти.

Дунёнинг кўпчилик давлатларида “Ироқнинг нефти кўп, Америка шунинг учун бу мамлакатда уруш олиб бораёпти” қабилдаги фикрлар жуда кенг тарқалган. Лекин нефтьдан келаятган даромад бу ерда олиб борилаётган уруш харажатларидан анча каттадир. Айни пайтда ушбу мамлакатдаги вазиятни назорат қилиш учун АҚШ ойига 5,6 млрд. доллар сарфланаётганининг ўзи “Гарбона демократия”ни зўрлаб тикиштиришдан мақсад нималигини кўрсатиб турибди. Вашингтондаги юқори доираларда Американинг сиёсий ва иқтисодий тизими дунёдаги ягона мақбул танлов деган мустаҳкам ишонч ҳукмронлик қилади. Бундай қараш АҚШ жамоатчилигида, ҳатто бошқа айрим давлатларда ҳам мавжуд. Кузатувчиларнинг фикрича, бошқа геостратегик мақсадлар билан бирга Америка Ироқда бутун ислом дунёси учун мисол бўла оладиган “намунавий демократия модели”ни шакллантирмоқчи эди. Лекин ҳаётнинг ўзи маълум тарихий босқични босиб

ўтмасдан, ўзгача анъана ва қадриятлар билан, қолаверса, мамлакатдаги зиддиятларни бартараф этмасдан туриб демократияни экспорт қилиб бўлмаслигини исботлади. Бундан ташқари, Америка мақсадлари уларға эришиш учун қўлланган воситаларға мутлақо зид бўлди. Эркинликни куч билан ўрнатиб бўлмайди. Уни халқнинг ўзи хохлаши, халқнинг ўзи курашиб қўлга киритиши керак.

Умуман олганда, Ироқ урушини ҳар иккала томон ҳам бой берди. Саддам Хусайн диктаторлигидан озод бўлган Ироқ кенг миқёсда фуқаролик уруши ёқасида турибди. Бу ўз навбатида, ё мамлакатнинг парчаланиб кетишиға ёки яна бошқа диктатура ўрнатилишиға сабаб бўлади. АҚШ эса қош қўяман деб кўз чиқарибди, деганларидек, нафақат қўзлаган мақсадлариға эришиш, балки стратегик мағлубият олдида турибди. Гап шундаки, ҳозир бу ерда ҳарбийларнинг қолиши ҳам, мамлакатни тарқ этиши ҳам Америка зарариға хизмат қилади. Мамлакатдаги исёнчилар ҳаракатининг охири кўринмади. Бу ҳаракат террорчиликнинг мантикий давомига айланиб кетди, дейиш мумкин. Бутун дунёда, айниқса, мусулмон оламида Америкаға қарши кайфият кескин тус олди.

ТАФСИЛОТЛАР

ХИТОЙ

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти “ҳеч қачон ҳарбий блок бўлмайди, бу ҳақдаги ҳар қандай уйдирмаларни бас қилиш керак, шундай тарзда гап юритиш учун ҳеч қандай асос йўқ”.

**ШХТ — терроризм ва экстремизм йўлидаги қалқон**

ШХТға аъзо мамлакатлар мудофаа вазириларининг Пекинда бўлиб ўтадиган кенгаши арафасида мазкур ташкилотнинг ижрочи котиби Чжан Дэгуан ана шундай баёнот берди. “ШХТ ҳар томонлама — ўзаро сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт ва маданий ҳамкорликни амалға ошириб келмоқда. Ташкилот доирасидаги ҳамкорлик иш-тироқчи мамлакатларнинг куч ишлатиладиган маҳкамалари ўртасида ҳам йўлга қўйилган, лекин бундай ҳамкорлик терроризм, сепаратизм ва экстремизмға қарши қаратилган”, — деди Чжан Дэгуан.



“Мудофаа вазири, аввало, терроризмға қарши кураш учун зарур бўладиган кучни яққол тасаввур этмоқдалар”, — деб таъкидлади ШХТ ижрочи котиби. У олтинчи мамлакат ҳарбий маҳкамаларининг раҳбарлари ҳамкорлик ўлчамларини “энди-энди муҳокама қилишға киришмоқдалар”, — деб қўшимча қилди. Форумда Россия Федерациясининг 2007 йили унинг ҳудудида ШХТ доирасида аксилтеррор машқлари ўтказиш ҳақидаги таклифи кўриб чиқилади.

Россия мудофаа вазири Сергей Ивановнинг сўзларига қараганда, “ШХТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид соладиган вазиятға муносабат билдириш механизмини яратиш учрашувда кўриб чиқилиши режалаштирилаётган энг асосий масаладир”.

РОССИЯ

Нотижорат ташкилотлар (НТ) тўғрисидаги қонун кучға киритилди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Бундан буён қонунға мувофиқ, НТ фаолиятини назорат қилиш вазифаси РФнинг Федерал рўйхатдан утказиш хизмати зиммасига юкланади.

**НТлар хориждан молиялаштирилмайди**

Нотижорат ташкилотларни хориждан туриб молиялаш алоҳида назорат остиға олинади. Шунингдек, чет эл НТларининг ёпиқ маъмурий-ҳудудий тузилмалардаги филиалларини ташкил этиш чекланади. Хориж нотижорат ноҳукумат ташкилотлари Россияда ўз филиаллари ёки ваколатхоналарини очиш ҳақида қарор қабул қилганларидан кейин уч ой мобайнида рўйхатдан ўтказиш органиға бу ҳақда хабар беришлари лозим.

Қонунни муҳокама қилишда қатнашган жамоат палатаси унинг қўлланиси устидан синчковлик билан назорат ўрнатишға ваъда бермоқда. “Биз мазкур қонун қандай амалға оширилишини, нотижорат ташкилотлар дуч келадиган қийинчиликларни ўз кўзимиз билан кўриш ниятидамыз”, — деди мазкур орган аъзоси, “Медиасоюз” вице-президенти Елена Зелинская.

БУЮК БРИТАНИЯ

Британия ҳукуматининг етакчи илмий маслаҳатчиси ер қуррагининг ўртача ҳарорати хавфли даражаға етиши мумкин, дея огоҳлантирди. Унинг сўзларига қараганда, бунга сабаб турли мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳавоға чиқинди газлар чиқарилишини тўхтатиш ҳақида келиша олмаётганликларидир.

**АҚШ экологяннинг барбод бўлишини истаяпти**

Европа Иттифоқининг расмий вазиғаси ўсишни икки даражада чеклашдан иборат. Бирок, профессор Дэвид Кингнинг таҳмин қилишича, уч даражада чегарасидаги кўтарилишни чеклаш мумкин бўлган бирон-бир битимға эришиш амри маҳол.

Айни пайтда АҚШ чиқинди газларнинг ҳавоға чиқарилишини қисқартиришни истаямапти. Кингнинг баҳоси бўйича бундай ҳолат наботот ва ҳайвонот дунёсининг ярми йўқолиб кетишиға ҳамда йирик ўрмон экология тизимларининг ҳалок бўлишиға олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, маърузада айтилишича, ер шарининг исиб кетиши оқибатида очликка маҳкум одамлар сони 400 миллион кишиға кўпайиши, ичимлик сув етишмаслиғидан жабрланаётган кишилар эса 1,3 миллиард ортиши, яъни 3 миллиард кишиға етиши эҳтимоли бор.

ВОКЕАЛАР,

ХАБАРЛАР,

МИСР

**Даҳаб курортида портлашлар**

Қизил денгиз соҳилидаги Даҳаб курортида содир этилган учта портлаш натижасида камида 23 нафар одам ўлган ва яна неча ўнлаб кишилар ярадор бўлган. Хабар берилишича, ҳалок бўлганлар орасида уч нафар ажнабий бор. 70 га яқин киши турли даражада яраланган.

Миср ИИВ дан олинган маълумотға қараганда, бомбаларда қўлда ясалган портловчи моддадан фойдаланилган. Президент Хусни Муборак Даҳабда рўй берган ҳодисани “даҳшатли террористик акт” деб атади. “Президент қонунға мувофиқ жазолаш

учун жавобгар шахсларни топиш зарур, деб таъкидлади”, — дея хабар тарқатди МЕНА давлат ахборот агентлиғи.

Даҳаб Синай яриморлидаги сайёҳлар севган курортлардан биридир.

Рейтер агентлиғи Даҳабда яшовчи бир киши-



нинг сўзларини келтириб ўтади. “Кўчаларда жасадларнинг парчалари ва биоларнинг синик бўлаклари ётибди”, — деган у. Маҳаллий маъмурларнинг маълумотиға кўра, портлаш рўй берган жойларға 20 дан ортқ тез ёрдам авраси ва полиция машиналари етиб келган.

Ҳозирги пайтда Мисрнинг мазкур ҳудудида туристик мавсум авжида. Соҳил бўйидаги меҳмонхоналар сайёҳлар билан тўла. Бу ерға асосан Европа мамлакатлари аҳолиси ва исроилликлар келишади.

ХОЛИС ФИКР

ТЕРРОРЧИЛИК

# СЎНГГИ САҲИФА

## МУВАФФАҚИЯТЛИ тарбиянинг сири — фарзандларга бўлган эътиборда

### БОЛАЛАР СПОРТИ

# Қарши мусобақаларга тайёр!

“Умид ниҳоллари” республика мактаб ўқувчилари спорт мусобақаларининг бу йилги финал босқичи 4–9 май кунлари Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида ўтказилади.

— Мусобақада қатнашиш учун Қаршига барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 3 минг нафарга яқин ўқувчи келиши кутилмоқда, — дейди “Умид ниҳоллари-2006” мусобақаларининг ташкилий қўмитаси штаби бошлиғи Абдулла Очиллов. — Беллашувлар спортнинг 12 та тури бўйича ўтказилиб, ҳар бир минтақадан 143 та (83 та ўғил бола, 60 та қиз) ўқувчи-спортчи, шунингдек, 17 та мураббий ҳамда 14 та ҳакам, жами 174 нафар киши иштирок этади.

#### Сайфулла ИКРОМОВ

21 апрель куни Қаршида бўлажак мусобақаларга қуръа ташлаш бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, “Умид ниҳоллари” сингари мусобақалар учун қуръа ташлаш маросими илк бор ўтказилди. Маросимда сўзга чиққанлар йиғилганларни Қаршининг 2700 йиллиги, “Умид ниҳоллари-2006” республика мактаб ўқувчилари спорт мусобақаларига тайёрларлик жараёнида катта қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишларини амалга оширган корхона ва ташкилотлар, тадбиркорларга миннатдорлик изҳор этишди.

Дарҳақиқат, мусобақаларга мезбонлик қиладиган шаҳарда кенг қўламли ишлар бажарилди. Жумладан, 900 ўринга мўлжалланган ўқув корпуси, спорт манежи, ёпиқ сув ҳавзаси ва кўплаб спорт залларига эга бўлган Олимпия захирали коллежи бунёд этилди. Янги иншоотларда сузиш, бадиий гимнастика, қўл тўли ва кураш мусобақаларини ўтказиш кўзда тутилган.

— Шундай нуфузли мусобақанинг вилоятимизда ўтказилиши биз учун шараф, — дейди коллеж директори Сайфулла Расулов. — Ўтган йили фойдаланишга топширилган коллежимизда ёш спортчилар ва томошабинлар учун барча шароит яратилган. Жумладан, спорт манежида югуриш йўлаклари ва катта спорт майдони мавжуд. Бўйи 50, эни 25, чуқурлиги 2,5-6 метрни ташкил этган ва зилот сув билан тўлдирилган ёпиқ сув ҳавзаси залига эса 300 томошабинга мўлжалланган пластмасса ўриндиқлар ўрнатилган.

Қарши ахборот технологиялари коллежи спорт залида мусобақанинг стол тенниси беллашувларини ўтказиш режалаштирилган. Мазкур ўқув юртида мусобақалар олтидан сўнгги тайёргарлик ишлари олиб борилапти.

“Умид ниҳоллари-2006” спорт мусобақаларининг ташкилий ишлари очилиш ва ёпилиш маросимлари яқиндагина куриб битказилган 20 минг ўринли стадионда ўтказилади. Бу ерда меҳмонхона, 8 та спорт зали,



мажлислар зали, ошхоналар жойлаштирилган Қарши давлат университети, Қарши муҳандислик-иқтисодий институти, “Нуристон” академик лицейи ва бошқа бир қатор илм масканлари ётоқхоналари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, “Шўртангазим” мажмуаси, “Қашқадарёпахтасаноат” худудий биришмаси, “Кишлоқхўжаликимё” вилоят биришмаси каби 20 га яқин ҳомий ташкилотлар кўмағида таъмирланиб, янги ва замонавий мебола

### БИЗНЕС-БАШОРАТ

#### 1-7 май кунлари учун

**ҚЎЙ.** Шахсий бизнесингизда ҳам, ҳаётингизда ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бериши кутилмоқда. Аммо ёдингизда тутинг: иш юзасидан бирданга бир неча моили жойдан таклиф тушса, фақат биттасини танланг. Акс ҳолда икки кемани ушлаб, денгизга фарқ бўлган кишининг куйига тушиб қоласиз.

**БУЗОҚ.** Бахорнинг ўзгарувчан ҳавоси сизни ҳолсизлантириб қўйиши мумкин. Шундай бўлса ҳамки, сешанба ёки чоршанба кунлари бор қуч ва иродангизни тўглаб, “тепа”дан келган буйруқларни аъло даражада бажаришга муваффақ бўласиз. Ҳафта охирида эса хизматларингиз эвазига муносиб тақдирланасиз.

**ЭГИЗАКЛАР.** Пулларингизни бирон жойга яшириб, овора бўлманг. Аксинча, маблағни истиқболли режага йўналтиришга ҳаракат қилинг. Айтилик: аввалига тикув машинаси ёки компьютер харид қилинг. Ҳафта охирида биронинг маслаҳати билан эмас, балки ўзингизнинг ақлингиз билан иш тусангиз, ютқазмайсиз.

**ҚИСҚИЧАҚА.** Анча мураккаб ҳафтани бошдан кечирасиз. Ўзингизни бир тўда бўрилар орасида қолган кўзичоқдек ҳис қиладиган бўлсангиз-да, дод-вой солишга уринманг. Ваҳший қиёфадаги душманларингизга қарши қуч эмас, ақлни ишлатиб курашинг.

**АРСЛОН.** Ҳафта давомида олдингизга қўйган мақсадларингизнинг барчаси амалга ошириш кутилмоқда. Йирик харидларни чоршанба кўни қилсангиз, мақсадга мувофиқ бўлади. Атрофингизда гирдиқапалак бўлиб, ҳар икки гагининг бирида “қадрдонингман” дейдиган сохта дўстлардан нари юринг.

**ПАРИЗОД.** Йиғилиб қолган қарзларни имконият туғилиши билан узишга ҳаракат қилинг. Кўп нарсани билсангиз-да, катта давраларда сизга наваб берилгунча сабр қилишни ўрганинг. Сўз берилганда эса, имкониятдан фойдаланиб қилинг. Касалликка дучор бўлмай десангиз, овқатланиш тартиб-қоидаларига қатъий риоя қилинг.

**ТАРОЗИ.** Эски танишларингиздан бири билан бўлган сўхбат ёнтрофингиздаги воқеа-ҳодисаларга муносабатингизни тубдан ўзгартириб юборди. Таранглашган асабларга дам бермоқчи бўлсангиз, лоақал икки-уч соат вақтингизни муомтаз музика эшитишга ёки булак расомлар асарларини томоша қилишга ажратинг.

**ЧАЁН.** Раҳбарият кўзига ёмон кўринишни истамасангиз, китоб мурола қиласиз-ми, иш жойингизни тартибга келтириш билан шуғулланасизми, хуллас, бекор ўтирманг. Фирибгарлардан огоҳ бўлинг. Эшигингизни тақиллатиб қолганларнинг ким эканлигини аниқ билганингиздан сўнггина уйингизга киритинг.

**ЎҚОТАР.** Қолаётган фойда, тегаётган улуш ёки берилаётган маошдан қўнғингиз тўлмаётган бўлса, кўпма кўнманг. Яна ўн-ўн беш кун чидасангиз, ҳаммаси ўз изига тушиб кетади. Мухими — иш жойингиздаги мавқеингизни мустаҳкамлабверинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Танқидни тўғри қабул қилинг. Акс ҳолда ўз фикрингизга ўзингиз қарши чиқаётганингизни билмай қоласиз. Иш билан овора бўлиб, маҳалладан узоқлашиб кетган бўлсангиз, қўшничилик ришталарини тиклашга ҳаракат қилинг.

**ҚОВГА.** Уйингизда вужудга келган муаммоларни оила аъзоларингиз билан биргаликда ҳал қилганингиз маъқул. Муаммолар каторига “уй кўтариш”, мебола жихозларини янгилаш қабилар киришини инобатга олинг. Юрак, қон-томир касалликлари билан оғриган “қовга”лар шифокорга мурожаат қилиб, бир сидра даволаниб чиқсалар, фойдадан ҳоли бўлмайди.

**БАЛИҚ.** Ишларингиз қалалиб ётган бўлса-да, хизмат сафари ёхуд қандайдир кўнғингиз юмушлар орасида вужудга келадиган қисқа муддатли танаффуслардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинг. Айнан ана шу дам олиш кунларида йиққан қуч-қувват фаолиятингизнинг кейинги босқичида асқотишини унутманг.

### ДИҚҚАТ: КУЛАЙЛИК



## ноширлик уйи кечаю кундуз ишлайди!

Корхона ва ташкилотлар учун фирма бланкалари, китоб, буклет, таширф қўғозлари ва бошқа турдаги босма маҳсулотларни арзон нархларда чоп этади ва буюртмачиларга белгиланган муддатда етказиб беради.

Телефонлар: (8-371) 107-74-89, 130-82-72, 330-31-81, 332-45-01

### ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

**КЕНГАШ РАИСИ**  
Муҳаммадҷусуф ТЕШАБОВ

### КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ

- Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
- Аҳам ШАДМАНОВ
- Ақром АЛИМОВ
- Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
- Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
- Аъзамжон РАҲМАНОВ
- Абдуваҳоб ИМОМАЛИЕВ
- Бахтиёр ЁКУБОВ
- Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
- Илҳом НАСРИЕВ
- Мансур ЗОКИРОВА
- Мухлиса АҚРАМОВА
- Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
- Раъшан ОХУНОВ
- Раҳматилло КАМОЛОВ
- Сироҳиддин САЙИДИ
- Шухрат НОРГИТОВ
- Шухрат ОРИПОВ
- Қиёмиддин НАЗАРОВ
- Қобилжон ТОШМАТОВ
- Туланбой КАРИМОВ
- Эркин ТОШЕВ

### ТАҲРИРИЯТ

- Абдували СОИБНАЗАРОВ
- Марк ЮСУПОВ
- Зумрад АБРОРОВА
- Носир ТОШЕВ
- Ориф ЎЛМАСОВ
- Тоҳир МАЛИК
- Темур АБДУРАҲМОНОВ
- Тоҳир МИРХОДИЕВ
- Улугбек ЮСУПОВ
- Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
- Холмумин МАМАТРАЙИМОВ
- Шаҳзод НАЗАРОВ
- Шухрат ОХУНЖОНОВ

### МАТН ТЕРМОВЧИЛАР

Нигора ЖУРАЕВА  
Замира АҲМЕДОВА

### БЎЛИМЛАР

- ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
- ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
- ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 132-25-15
- АХБОРОТ ВА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ 55-70-16
- МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САҲНАТ 55-68-50
- ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар:  
**А. СОИБНАЗАРОВ,**  
**К. КЎНДОШЕВ.**

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилади.  
Корхона маноси: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.  
**Буюртма рақами: Г-667**  
**Тиражи: 17045**

PR - тижорат белгиси

**МУАССИС:** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

**«XXI ASR»** иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73-уй.

**ЭЛЕКТРОНПОЧТА:**  
axborotXXIasr@yahoo.com  
XXI\_ASR@yahoo.com  
XXI\_ASR@doda.uz

«XXI ASR» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқстани назардан фарқ қилиши мумкин.

**НАШР КЎРСАТКИЧИ:**  
406

**БОШ МУҲАРРИР**  
Миродил АБДУРАҲМОНОВ.



### БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

**ASR**  
НОШИРЛИК УЙИ  
ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

**Mila PRESS**  
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ  
Тел: (998-71) 151-29-52.  
E-mail: milapress@yahoo.com

### ФУТЗАЛ

## Кўшниллар бошқа-бошқа гуруҳларда

23 апрель куни пойтахтимизнинг “Зарафшон” концерт залида 21-27 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган футзал бўйича Осиё чемпионатида қуръа ташланди.



Маросимда Ўзбекистон Футбол федерацияси ва Осиё Футбол конфедерацияси мутасаддилари, мураббийлар ва журналистлар иштирок этдилар. Таъкидлаш жоизки, қуръа натижаларига кўра, Марказий Осиё минтақасининг тўрт жамоаси ҳар хил гуруҳдан жой олди. Жумладан, “А” гуруҳидан ўрин олган Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳ баҳсларида Малайзия, Хитой ва Хитой Тайпейи миллий жамоалари билан қуч синашадиган бўлди. Саралаш баҳсларида Жанубий Корея термасини орда қолдириб, корейларнинг тарихда биринчи бор қитъа чемпионатида қатнашмасликларига сабабчи бўлган Гонконг терма жамоаси эса Япония, Тожикистон ва Ироқ миллий жамоалари билан бирга “В” гуруҳига жойлашди. Қирғизистон, Қувайт, Ливан ва Австралия терма жамоалари “С” гуруҳидан жой олган бўлсалар, амалдаги чемпион — Эрон “D” гуруҳида нисбатан қучсиз рақиблар бўлиши Таиланд, Индонезия ва Туркменистон футболчилари билан ўзаро беллашиши аниқланди. Вакилларимиз дастлабки учрашуви 22 май куни Малайзия термасига қарши ўтказишди.

### ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Андижон шаҳрининг “Соғлом авлод” стадионида 1989 йилгача туғилган ўсмирлар ўртасида енгил атлетика бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди.

## «Соғлом авлод»даги рекорд



250 нафардан ортиқ ёш спортчи иштирокида икки кун давом этган мусобақаларда умумжамоа ҳисобида 378 очко тўплаган тошкентлик атлетлар ғолиб бўлдилар. Улардан 112 очко орда қолган мезбонлар, яъни андижонлик спортчилар иккинчи ўринни банд этишди, учинчи ўринни 251 очко тўплаган Тошкент шаҳрининг иккинчи жамоаси эгаллади. Ўзбекистон Енгил атлетика федерацияси вице-президенти Геннадий Арзумановнинг таъкидлашича, мусобақалар бир қатор истиқболли спортчиларни кашф этди. Жумладан, Наталья Асанова 100 метр масофага тўсқилар оша югуриш бўйича тенгдошлари орасида Ўзбекистон рекордини ўрнатди. Мазкур мусобақада яхши натижа кўрсатган спортчилар 15-17 май кунлари Алматыда бўлиб ўтадиган Марказий Осиё ўйинларида иштирок этадилар.

«УМИД НИХОЛЛАРИ - 2006»

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

РЕКЛАМА